Ўзбекистон Республикаси
Давлат статистика қўмитаси
2020 йил "26" май
41 - сон буйруғига илова

Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси тизимида зарарли дастурлардан ҳимоя қилишни ташкил этиш тўғрисида
НИЗОМ

I. Қўллаш соҳаси

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Давлат статистика қўмитаси (кейинчалик Қўмита) тизимида зарарли дастурлардан ҳимоя қилишни ташкил этиш тартибини белгилайди.

II. Атамалар ва таърифлар

2. Ушбу ҳужжатда қуйидаги атамалар ва таърифлар қўлланилади:

Давлат статистика қўмитасининг ягона ахборот тизими (ЯАТ) - давлат статистика органларининг статистик маълумотларни тўплаш, ишлов бериш, сақлаш ва улардан фойдаланишни таъминлайдиган ахборот ресурслари, ахборот тизимлари, дастурий-техник таъминот ва телекоммуникация воситаларининг тартибга солинган тўплами;

зарарли дастурий таъминот - дастур, дастурий аппарат ёки аппарат орқали (ёрдамида) ҳар қандай рухсатсиз ёки зарарли ҳаракатларни амалга ошириш учун мўлжалланган дастур.

вирус - зарарланган дастур чақирилганда ўзининг ўзгартирилган нусхаларини бошқа дастурларга жойлаш ва уларни модификациялашни амалга оширадиган ўз – ўзидан кўпайиб кетадиган дастур.

Эслатма: Вирус кўпинча бузиш ёки йўқ қилиш дастури бўлиб, баъзи ҳолларда маълум бир санага етганда фаоллашади;

антивирус монитори - зарарли дастурдан зарарланиши мумкин бўлган вазиятларни доимий равишда кузатиб бориши учун мўлжалланган анитивирус дастурининг бир қисми. Антивирус монитори, қоида тариқасида, доимий равишда реал вақт режимида хавфли операцияларни кузатиб боради;

антивирус сканери - турли хил объектларни вирусга қарши сканерлаш учун мўлжалланган антивирус дастурининг бир қисми;

Hyper Text Transfer Protocol (HTTP) - гипематнни узатиш протоколи (маълумотлар узатиш протоколи);

Simple Mail Transfer Protocol (SMTP) - оддий почта узатиш протоколи (TCP/IP тармоқларида электрон почтани узатиш протоколи);

Post Office Protocol Version 3 (POP3) – ушбу почта протоколи (TCP/IP уланиши орқали масофавий сервердан электрон почтани олиш учун почта дастурлари томонидан ишлатиладиган “Application” даражали протокол);

Internet Message Access Protocol (IMAP) - интернет хабарларига кириш протоколи (электрон почтага кириш учун “Application” даражали протокол).

III. Умумий қоидалар

3. Қўмита тизимида фақат расмий равишда харид қилинган лицензияланган антивирус дастурларидан фойдаланиш керак.

4. Антивирус дастурларининг сигнатура базаларини янгилаш мунтазам ва автоматик равишда амалга оширилиши керак.

IV. Антивирус дастури ёрдамида зарарли дастурлардан ҳимояланиш талаблари

5. Қўмитанинг ЯАТни зарарли дастурлардан ҳимоя қилиш учун барча иш станциялар ва серверларга антивирус дастури ўрнатилади:

а) ишчи станциялар стандарт ягона фойдаланувчи антивирус сканерлари ва антивирус мониторлари билан ҳимояланади;

б) файл серверини ҳимоя қилиш маълумотлар тармоғи орқали кириш мумкин бўлган барча сервер файлларини автоматик равишда текшириш имкониятига эга антивирус мониторлари ёрдамида амалга оширилади;

в) почта серверларини ҳимоя қилишда HTTP, SMTP, POP3 ва IMAP трафикларни филтрлайдиган ва фойдаланувчилар иш станцияларига зарарланган маълумотлар кириб қолиши олдини оладиган антивирус дастури қўлланилади.

6. Антивирус дастурини ўрнатиш ва қўллаб-қувватлаш учун маъсуллар:

а) Қўмита марказий аппаратида - Ахборот хавфсизлиги бошқармаси Ахборот тизимларини тармоқ бошқаруви ва хавфсизлиги бўлими;

б) ҳудудий статистика бошқармаларида - тизим маъмурлари;

в) КМО ва СТ институтида - институт локал тармоғига хизмат кўрсатадиган жавобгар шахс.

7. Сигнатура базалари янгиланиши Ахборот хавфсизлиги бошқармаси ахборот тизимлари тармоқ бошқаруви ва хавфсизлиги бўлими томонидан қўллаб қувватланиб борилади ва бу янгиланиш Қўмита корпоратив маълумотлар тармоғига киритилган ҳар бир компьютерда камида кунига бир марта, мустақил компьютерларда камида ҳафтада бир марта фойдаланувчи ёки зарур бўлса маъмур томонидан автоматик равишда ўтказилиши лозим.

8. Компьютерга ўрнатилган антивирус дастури шу тарзда созланган бўлиши керакки, ҳар сафар компьютер қайта ишга туширилганда автоматик антивирус назоратини таъминлаши, шунингдек, қуйидагиларни текшириши керак бўлади:

а) файллар ва бўлимлар;

б) электрон почта;

в) Интернет тармоғидан веб-браузерлар томонидан ўқилган барча маълумотлар.

9. Талаб бўйича иш станцияларига ўрнатилган антивирус дастури антивирус текширувларини амалга ошириш имконини бериши керак.

10. Серверларга ўрнатилган антивирус дастурини созланган ҳолати қўшимча равишда қуйидагиларни таъминлаши керак:

а) ҳар қандай файл ва каталогларни текшириш, шу жумладан, локал тармоқ орқали киришга рухсат берилганларни ҳам;

б) электрон почтани корпоратив почта серверида текшириш;

11. Иш станцияларига ўрнатилган антивирус дастурларининг стандарт созламаларини ўзгартирилиши, алоҳида ҳолатларда, тизим маъмури билан келишилган ҳолатда амалга оширилади.

12. Ҳар қандай маълумот (ҳар қандай форматдаги матнли файллар, маълумотлар файллари, бажариладиган файллар) мажбурий равишда антивирус назорати остида бўлиши зарур:

а) телекоммуникация каналлари орқали қабул қилинадиган ва узатиладиган маълумотлар;

б) қабул қилинган электрон ва оптик ахборот ташувчилардаги маълумотлар.

13. Антивирус файллар назорати тўғридан-тўғри ушбу файллардан фойдаланадиган Қўмита тизими ходимлари томонидан амалга оширилади. Антивирус назорати, файллардан фойдаланишдан олдин турига (кенгайтмасига) эмас, балки таркибига кўра, амалга оширилади.

14. Агар вирус мавжудлигига шубҳа туғилса (дастурларнинг нотўғри ишлаши, график ва овоз эффектларининг пайдо бўлиши, маълумотларнинг бузилиши, файллар ўчиши, тизим хатолари ҳақидаги тез-тез хабарлар), Қўмита ЯАТ фойдаланувчиси компьютердаги барча ишларни тўхтатиши ва бу ҳақда дарҳол тизим маъмурига хабар бериши шарт.

15. Компьютер вируси белгилари аниқланса, тизим маъмури қуйидагиларни бажариши шарт:

а) Қўмита ЯАТдан компьютерни узиш;

б) фойдаланувчи билан биргаликда вирус юқтирган файллардан кейинчалик яна фойдаланиш зарурлигини таҳлил қилиш, шунингдек, стандарт вирусларга қарши дастур ёрдамида вирус билан зарарланган файлларни тозалаш жараёнини бошлаш;

в) файлларни тозалашни имкони ёки самараси бўлмаса:

- вирус юқтирган файлларни қайта тикланишини истисно этадиган тарзда йўқ қилиш;

- ишлаб чиқарувчига антивирус дастурига ўрнатилган механизмлар орқали мавжуд муаммо ҳақида хабар бериш;

- вирусни йўқ қилишнинг алтернатив усулларини ишлаб чиқиш бўйича бирламчи тадбирларни бошлаш (алоҳида ҳолатларда - бошқа ишлаб чиқарувчиларнинг махсус дастурларидан ёки мустақил ёзилган дастурлар ва дастур скриптларидан фойдаланиш);

- оммавий зарарланиш хавфи мавжуд бўлса, сигнатура базаси янгиланиши жараёнида аниқланган сигнатура пайдо бўлишига қадар Қўмитанинг маълумотлар тармоғидаги асосий тарқалиш тугунларини қўлда бошқаришга ўтиш;

г) маҳаллий тармоқ орқали ёки ҳар қандай усул билан файлларнинг вирус юқтирганлиги тўғрисида ушбу файллардан фойдаланаётган фойдаланувчини, ҳамда ушбу файллардан фойдаланаётган таркибий бўлим бошлиғи ва бошқа таркибий бўлинмаларни хабардор қилиш;

д) агар ушбу файллар статистика органларидан олинган бўлса (статистика органига юборилган бўлса), у ҳолда жўнатувчига (қабул қилувчига) электрон почта орқали ёки бошқа усулда ушбу файлларда вирус мавжудлиги тўғрисида хабар бериш;

е) Қўмита ЯАТда антивирус дастурлари ўрнатилмаган ёки базаси янгиланмаган мавжуд компьютерларни аниқлаш бўйича қўшимча чоралар олиб бориш.

V. Ушбу Низом талабларини бузганлик учун жавобгарлик

16. Ушбу Низом талабларини бузган ходимлар Ўзбекистон Республикаси қонунларида белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.